O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BUXORO VILOYATI
HOKIMI
QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ХОКИМИ
ҚАРОРИ

2019.20.04. Бухоро шаҳри №221

**Ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама ҳақ тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2900-сон "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 291-модда) ҳамда 2018 йил 30 ноябрдаги ПК-4040-сонли "Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги (Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 30.11.2018 й., 07/18/4040/2252-сон) қарорларига асосланиб, уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 05/1-4774-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ичимлик суви ҳамда канализация хизматларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган "Уй-жой коммунал хизматини ривожлантириш жамғармаси" маблағларини шакллантириш учун:

ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига 50 сўм/м3 миқдорда махсус устама ҳақ;

канализация хизматлари тарифларига 50 сўм/м3 миқдорда махсус устама ҳақ белгилансин.

2. Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (З.Жумаев), вилоят "Сувокава" ДУК (И.Холмуродов)га шахар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига 50 сўм/м3 ҳамда канализация хизматлари тарифларига 50 сўм/м3 миқдорда махсус устама ҳақ белгиланганлиги тўғрисидаги аҳолига ҳамда тегишли корхона ва ташкилотларга етказилишини таъминлаш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 26 февралдаги 130-сонли "Ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама ҳақ тўғрисида"ги қарори ўз кучини йукотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур карор "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон килинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Ҳамдамов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокимининг**
**биринчи ўринбосари** **Ф.Умаров**